## Саволларингизга Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳуқуқшуноси Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради

### БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**САВОЛ: менинг ёшим 52 да. Икки йилдан бери 7700 сўм миқдорида пенсия олар эдим. 2003 йил май ойидан бошлаб пенсиям 9700 сўм бўлди. Мен 1972 йил Қарши шаҳар тиббиёт билим юртини битириб, Косон туман марказий шифохонасида 9 йил ишладим. Бешта фарзандим кетма-кет туғилгач қишлоқ хўжалигида 8 йил ишладим. Менга пенсия тўғри тўланяптими?**

**А.УМИДОВА,**
**Косон тумани**
**«Нартичуқур» маҳалласи**

**ЖАВОБ:** Сизга «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрсида»ги Қонунининг 12-моддаси 3-бандига асосланиб 50 ёшингизда 15 йилдан кам бўлмаган иш стажингизни ҳисобга олган ҳолда ёшга доир пенсия тайинланган (хатингизда иш стажингиз ва пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган ўртача ойлик иш ҳақингиз тўғрисида аниқ маълумот бўлмаганлиги учун уни қайта ҳисоблашнинг иложи бўлмади). Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелидаги Фармонига мувофиқ 2003 йилнинг 1-майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, барча турдаги пенсия ва нафақалар, стипендиялар 1,2 баробар оширилди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи 5440 сўм, энг кам ёшга доир пенсия эса 10765 сўм қилиб белгиланди. Демак, Сизнинг пенсиянгиз қонунчиликда белгиланганидан кам тўланмоқда. Шу сабабли туман ижтимоий таъминот бўлимига қайта мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

**САВОЛ: мен 73 ёшдаман. Турмуш ўртоғим 2002 йилда вафот этган. Ҳозирда катта ўғлим қарамоғида яшайман ва менинг номимда 0,27 сотих томорқа бўлиб, ўғлим алоҳида хўжалик эмас. «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролик йиғини вакили келиб томорқа солиғини тўлашимни талаб қилмоқда. Туман электр тармоғидагилар ҳам электр пулини тўланг дейишяпти. Шу тўғрими?**

**Қ.ЧОРИЕВА,**
**Шўрчи тумани Озод фермерлар уюшмаси,**
**Боботоғ қишлоғи**

**ЖАВОБ:** амалдаги қонунчиликка асосан агар Сиз ўзингиз ёлғиз яшаётган бўлганингизда ер, томорқа солиғидан 50 фоиз миқдорида озод этилар эдингиз. Бироқ Сиз бир фарзандингиз билан бирга истиқомат қилаётганингиз сабабли томорқа солиғини 100 фоиз миқдорида тўлашингиз лозим. Электр қуввати масаласида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27-мартдаги «Уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида иккинчи жаҳон уруши йилларида уруш орқасида меҳнат фронти иштирокчиларига энг кам иш ҳақининг 18-фоизи миқдорида компенсация пули берилиши кўрсатилган. Ушбу тўлов ўзингиз яшаётган туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан пенсиянгизга қўшиб тўланади.

**САВОЛ: ёшим 57 да. Бир умр колхозда ҳалол меҳнат қилдим. Шундан ўн олти йил сувчилик, уч йил пайвандчилик, уч йил қурилишда, ўн беш йил чилангарлик, икки йил ҳарбий хизматни ўтадим. Шулар асосида имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

**О.ЎТАЕВ,**
**Узун тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 май 250-сонли қарорига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи касблар ва лавозимлар рўйхати тасдиқланган бўлиб Сизнинг ўн олти йиллик қишлоқ хўжалигидаги сувчилик фаолиятингиз 3-рўйхатнинг II-қисмига ва уч йиллик пайвандчилик фаолиятингиз 3-рўйхатнинг I-қисмига тўғри келади. «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12 моддаси «В» бандига асосан қишлоқ хўжалигида алоҳида ишларда меҳнат қилган эркаклар имтиёзли пенсияга чиқишлари учун умумий иш стажлари 25 йилдан, махсус иш стажлари эса 20 йилдан кам бўлмаслиги керак.

Сизнинг махсус иш стажингиз 19 йилни ташкил этаяпти. Ушбу Қонуннинг 7 моддасига мувофиқ ёшга доир пенсия эркаклар 60 ёшда 25 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлганда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

## Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ: ўқитувчиларнинг компенсация пуллари ойликка қўшилмасдан тўғридан-тўғри газ, электр ва сув идораларига ўтказилиши тўғрими? 1990 йил 13 ноябрдаги Президент Фармонига асосан кўмир пули баробарида ҳар йили товон пули олар эдим. Энди бу пулни қандай тартибда олишим мумкин.**

**М.БОБОЖОНОВ,**
**Хива тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан, ҳамда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш мақсадида 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақининг 45 фоизи ҳисобида табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган. Уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг миқдори меҳнат ҳақи фондига қўшилиши ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) кўрсатилган муддатларда тўланиши белгилаб қўйилган. Унда тўғридан-тўғри газ, электр ва сув идораларига компенсация пулларини ўтказиш ҳақида ҳеч нарса кўрсатилмаган.

Шунингдек, ушбу Фармонда кўмир учун товон пули тўланиши назарда тутилмаган.

---

Ёзёвон туман халқ таълими бўлими маорифчиларнинг ижтимоий ҳимояси, саломатлиги ва унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратган. Нафақада бўлган устозларни байрамларда йўқлаш, уларни рағбатлантириш одат тусига кирган.



***Суратда: туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Неъматжон Аминжонов фаоллар билан навбатдаги тадбир хусусида фикрлашмоқда.***

**Ғ.ХИДИРОВ**
**олган сурат**

*Бандлик дастури амалда*

## ЁШЛАР СЕВГАН КАСБЛАРИДА

«Андижонсут» очиқ акциядорлик жамияти вилоятда илғор жамоалардан ҳисобланади. Ҳозирда бу ерда 120 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхона ўтган йилни 16 миллон сўм соф фойда билан якунлади. Бундан ташқари, 12436 дона номинал қиймати 100 сўм бўлган акциялардан меҳнаткашлар ҳам яхшигина дивидент олишди. Айни пайтда уларнинг ўртача ойлик маоши 30 минг сўмни ташкил этади.

Жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Алимованинг ташаббуси ва маъмурият саъй-ҳаракати билан корхонада қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Тикув цехи ишга туширилиб, 20 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

«Андижонсут»да меҳнат қилаётган ходимларга зарур барча шарт-шароитлар мавжуд. Ишга келиб-кетишлари учун алоҳида автоулов ажратилган. Бир маҳал бепул тушлик, махсус кийим-бош, зарарли шароитда ишловчиларга сут-қатиқ ва қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган. Жамоада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этишини инобатга олиб, уларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Байрам, дам олиш кунлари ҳамда жисмонан оғир меҳнатдан озод этилиб, енгил ва қулай иш ўринларига алмаштирилди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган колбаса, пишлоқ, творог, сут маҳсулотлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилади. Шу боис, уларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилиб, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилинади. Бундан ташқари, аҳолининг талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларга хизмат кўрсатиш мақсадида 4 та савдо шохобчаси ташкил этилди.

Жамиятнинг бизнес режасига кўра, 2003 йилни соф 30 миллион сўм билан якунлаш кўзда тутилган. Цехларда ишлаб турган асбоб-ускуналар анчайин эскирганлиги боис, ҳозирда корхонанинг тўла қувват билан ишлаш имконияти бўлмаяпти. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида Россия билан қўшма корхона барпо этиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Йил якунига қадар қўшма корхона ўз фаолиятини бошласа, яна қўшимча юз нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланади.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ТАДБИРКОР ҲИММАТИ

Олотлик тадбиркор М.Шарипов туман болаларига Чорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўз маблағи ҳисобидан спорт мажмуаси қуриб берди.

Бугунги кунда қишлоқнинг юзга яқин йигит-қизи бу ерда ташкил этилган кураш, муайтай кўп кураши тўгаракларида машқлар ўтказмоқда.

Шофиркон тумани «Шофиркон» ширкат хўжалигида ҳам тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида спорт мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда қишлоқ ёшлари тажрибали мураббий раҳбарлигида бокс сирларини ўрганяпти.

Ғиждувон тумани қишлоқларида эса бадиий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Боғчаларда гимнастика гуруҳлари очилган. Жажжи қизалоқлар копток ва ленталар ёрдамида маҳорат билан нафис машқлар ижро этмоқда.

5-7 ёшли қизлар ўртасида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилигида ғиждувонлик қизалоқлар биринчи ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори И.Мирзаевнинг айтишича, қишлоқларда қаровсиз ётган ерлар тозаланиб, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ташкил этилмоқда. Тадбиркор ва фермерлар ўз маблағи ҳисобидан спорт иншоотлари қуриб беряпти. Йирик спорт мажмуалари эса тендерда ғолиб чиққан қурилиш ташкилотларига топширилмоқда.

## ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ЯХШИЛАНДИ

Қорақалпоғистоннинг энг шимолий туманлари аҳолиси ҳам замонавий телефон алоқасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

-Япония Халқаро ҳамкорлик жамғармаси томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари якунланди,- деди Чимбой тумани телекоммуникация тармоғи бош муҳандиси Комил Уразимбетов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Туман ҳудудига 600 та мижозга хизмат кўрсатувчи автомат телефон станцияси "Кенгес" ва "Майяб" ширкат хўжаликлари марказларига рақамларни автоматик аниқловчи ускуналар ўрнатилди. Эндиликда Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир туманларида ҳам телефон алоқаси анча яхшиланди.

**(ЎзА) ва**
**"Туркистон-пресс"**

## КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

Қашқадарё вилояти "Уфқ" бизнес -инкубатори қошида ташкил этилган "Маслаҳат-мадад" маркази йил давомида 221 та ҳуқуқий ва 168 нафар жисмоний шахсга турли хил консалтинг хизматлари кўрсатди.

"Маслаҳат - мадад" марказига жалб қилинган юқори малакали мутахассислар ишбилармонларга бизнесни ташкил қилиш ва уни муваффақиятли юритиш, қонунчиликда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кўзда тутилган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш, бизнес режалар тузиш, миллий ва хорижий валюталарда кредитлар олиш халқаро ташкилотларнинг грантларини қўлга киритиш ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар беради.

"Маслаҳат-мадад" марказидаги ўқув курсларида таҳсил олиб, керакли кўникмаларга эга бўлган 168 нафар кишидан қарийб 95 фоизи фирма ёки корхона очиб ёхуд якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, бизнес билан шуғуллана бошлаган. Кичик бизнеснинг 50га яқин субъекти "Уфқ" бизнес мутахассисларнинг ёрдами билан банк ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредит олишга эришди.

-Бизнес инкубатор қошидаги марказнинг ёрдами билан фирмамиз ерёнғоқни қайта ишлаш ва ерёнғоқ кремини ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳасини тайёрлади,-деди Нишон туманидаги "Олтин бошоқ" фирмасининг раҳбари Норбой Рўзиев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Унинг миқдори 41,5 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, лойиҳа дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтди. Бугунги кунда Республика "Ғаллабанки"нинг экспертлари томонидан кўриб чиқилмоқда.

## ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРГА ЗИЁРАТ

Шаҳрихон туманидаги оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари ва ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи мамлакатимизнинг тарихи жойларини зиёрат қилиб қайтишди.

Шуни таъкидлаш керакки, сафар харажатларини ширкат ва фермер хўжаликлари , тадбиркорлар кўтарди. Шаҳрихонлик зиёратчилар Бухоро, Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, тарихий ва замонавий меъморлик обидаларини томоша қилишди. Бир ҳафталик сафар зиёратчиларда катта таассурот қолдирди.

---





Республикамиздаги «Умид гулшани» сиҳатгоҳини эшитмаган, билмаганлар эндиликда бўлмаса керак. Боиси бу ерда дам олиб, шифокорлар назоратида бўлганларнинг кўпчилиги фарзандли бўлишдек бахтга мушаррафдирлар. Шифо масканини энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Муолажалар юқори малакали шифокорлар, мутахассислар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, даволанувчилар учун дам олиш, маърифат ва маънавият хонаси, дискобар ишлаб турибди.

***Суратда: «Умид гулшани» сиҳатгоҳида.***

**Ш.САРИЕВ**
**олган суратлар**

---

*Қарс икки қўлдан*

## КРЕДИТ

### суд орқали қайтариб олинди

Иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бири бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, уларни молиявий ресурслар - ҳар хил турдаги кредитлар, лизинг, суғурта ва грантлар орқали равнақ топтириш, ҳимоялаш шу хилдаги хизматлар билан шуғулланувчи муассаса ва идораларнинг асосий вазифасига айланди.

Бундан кўзланган мақсад ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш орқали аҳоли эҳтиёжини қондиришдан иборатдир. Бу борада, айниқса, янги имтиёзли кредит линиялари очилгани айни муддао бўлди. Сабаби, бундай шарт-шароитдан фойдаланиб, қаддини тиклаб, ҳалқимизнинг корига яраётган тадбиркорлар бугун кўпчиликни ташкил этади.

Шу билан бирга, берилган имкониятни суиистеъмол қилаётганлар ҳам, афсуски, оз эмас. Биргина мисол. Акциядорлик - тижорат «Турон» банки «Ҳожи Махсутхон» хусусий корхонасига 2001 йилда ҳар ойда устама фоизларни тўлаб бориш шарти билан бир йил муддатга 2 миллион 42 минг сўм миқдорида кредит берган эди. Фирма кредитдан фойдаландию, лекин уни қайтариш, фоизларини тўлашни пайсалга сола бошлади.

- Қонунчиликда кредит шартномаси бўйича банк қарз олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади, - дейди Олий хўжалик суди судьяси Иброҳим Алимов ЎзА мухбирига. - Мазкур иш бўйича томонлар ана шундай ҳуқуқий муносабатга киришган. Фирма томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги оқибатида банк яқинда судга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кредит олиш мушкуллиги борасидаги гаплар қулоққа кўпроқ чалинади. Лекин ундан фойдаланаётганларнинг ҳаммаси ҳам кредитни вақтида қайтаряптими? Таассуфки, хўжалик судларида бу йўналишдаги ишлар кўпчиликни ташкил этяпти. Хўш, банклар берган кредитини судма-суд юриб қайтариб олса, бунинг оқибати нима бўлади?

Зеро, молиявий ресурсларни тежаш, берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши масаласига ҳукуматимиз томонидан ҳам жиддий эътибор қаратиб келиняпти. «Кредитлардан асоссиз кечиб юбориш ёки қарз тўловларини муддатида қайтармаслик каби номақбул тажрибага мутлақо барҳам бериш керак, - дея таъкидлаганди Президент Ислом Каримов. - Акс ҳолда, биз наинки корхоналарга молиявий ёрдам берамиз, балки айни пайтда масъулиятсиз қарз олувчиларнинг кўпайишига ҳам сабабчи бўламиз».

Шу боис, олган кредитларини вақтида қайтармаётган хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик судлари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, банкларга асосий қарздан ташқари фоизлар ва бошқа зарарлар қонуний йўл билан ундириб беріляпти. Зикр этилган ҳолат бўйича ҳам фирмадан «Турон» банкига уч миллион сўмга яқин маблағ ундириб берилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

## КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

2003 йил 13, 20, 27 ноябр, 4,11,18,25 декабр кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳрида жойлашган 11 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (11 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 9645 АҚШ доллари.**

2. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Янги-қўрғон қишлоғида жойлашган 7 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (7 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 12 372 АҚШ доллари.**

3. Хоразм вилояти, Хонқа туманида жойлашган 8 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (8 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 12 475 АҚШ доллари.**

4. Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманида жойлашган 7 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (7 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 14 442 АҚШ доллари.**

5. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Гурлан кўчасида жойлашган 3 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (3 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 19 200 АҚШ доллари.**

6. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонқа кўчасида жойлашган 1 сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (1 АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси— 16 800 АҚШ доллари.**

7. Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчасида жойлашган Андижон нефт базасининг «Куйганёр» филиали.

**Бошланғич баҳоси – 87 703 АҚШ доллари.**

8. Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Хонобод шаҳрида жойлашган Грунч-Мозор нефт базасининг Хонобод филиали.

**Бошланғич баҳоси – 86833,9 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги"га мурожаат қилишлари мумкин.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44,8 хоналар.***

***Маълумот учун телефонлар:***
***136 26 26, 136 28 75.***
***Факс: 136 06 17***
***www. uzrkmb. com***
***Лицензия рақами: 000004***

---

## ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон телевидениеси, радиоси ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш орқали халқимизни касаба уюшмаларининг бугунги кундаги серқирра фаолияти билан янада чуқурроқ таништириш, кўпчиликнинг республикадаги энг оммавий жамоат ташкилоти ҳақидаги одилона фикрлари, таклиф-мулоҳазаларини яқиндан ўрганишни мақсад қилди. Унда мутасадди раҳбару мутахассислар, тармоқларнинг ходимлари иштирок этиб, касаба уюшмалари бугунги кунда қандай муқаддас ташвишлар билан яшаётганлиги, бозор шароитида унинг олдида турган асосий мақсад-вазифалар, хусусан, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, ишловчи аёлларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоаларида маънавиятни юксалтириш билан боғлиқ масалаларда кўрсатилаётган беминнат ёрдам кабиларга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу боис, «Давра суҳбати» олдидан шуни маълум қиламизки, касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ ўзингизни қизиқтирган барча саволларни 2003 йил 14 октябрдан 25 октябргача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасига ёзма равишда – Тошкент 700165, Бухоро кўчаси 24-уй, 2-қават, 21-хона манзили бўйича, оғзаки тарзда эса 56-48-81, 56-87-74 телефон рақамлари орқали йўллашингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, касаба уюшма мутахассислари барча саволларингизга яқин кунлар ичида зангори экран орқали бўлиб ўтадиган «Давра суҳбати»да атрофлича жавоб берадилар.

Фикрлар, таклиф-мулоҳазаларингизни кутамиз.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари**
**Федерацияси Кенгаши**
**Матбуот маркази**

